

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТДА ИННОВАЦИЯ: ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК ВА ЮКСАЛИШ САРИ

Жабборова Ойша Искандаровна
биология фанлари номзоди, доцент,
“Тиббий биология” кафедраси мудири
Искандаров Улуғбек Эркин ўғли
Даволаш факультети 4-босқич талабаси
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон шароитида тиббий таълим соҳасини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. “Инновация” тушунчасининг фалсафий мазмуни очиқ берилган. Замонавий тиббий таълимнинг сифати ва самарадорлигини юксалтиришда инновацион ёшдашувнинг аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар. Инновация, замонавий таълим, стратегия, соғлиқни сақлаш тизими, малакали кадр, тиббий хизмат.

Маълумки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси[1]да кўрсатилган йўналишларга оид вазифаларни амалга ошириш борасида тизимли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада хусусан, тиббиёт соҳасининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётганини эътироф этиш жоиз. Кейинги йилларда мазкур йўналишда бир қанча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шошилиш ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар такомиллашмоқда. Бундай кенг қамровли чора-тадбирлар туфайли аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узаймоқда. Оналар, болалар ўлимининг олдини олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган, жаҳон бозорида рақобат тобора ортиб бораётган давр

мамлакатимизда тиббий таълим соҳасини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан,

биринчидан, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тиббиёт кадрларини тайёрлашнинг ҳуқуқий-норматив базаси такомиллаштирилди;

иккинчидан, олий тиббий таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш, унинг мазмунини янгилаш, сифат даражасини ошириш, барча бўғинларда олий таълим стандартлари ва сифати кўрсаткичлари тизимини жаҳон стандартлари даражаси билан таққосланадиган даражага олиб чиқиш бўйича бир қанча амалий тадбирлар амалга оширилди.

учинчидан, тиббий таълим соҳасини бошқаришда демократик кадриятларни қўллаб-қувватловчи ижтимоий ва маънавий муҳит шакллантирилди, соҳада учрайдиган коррупция ҳолатларига чек қўйилди.

тўртинчидан, жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий асос яратилди.

Шунингдек, замонавий билимларни чуқур эгаллаган юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида юртимизда ривожланган давлатлар тиббиёт олий ўқув юр்தларининг филиалларини очиш, шифокорларимизнинг хорижий давлатларда тажриба ўрганишларини ташкил этиш, чет эллик тиббиёт мутахассисларини ўзимизга жалб этиш юзасидан ҳам қатор амалий саъй-ҳаракатлар бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2] фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди.

Фармон билан тасдиқланган 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида муҳим вазифалар белгиланди. Фармонга мувофиқ, қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб белгиланди: соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг “кластер” моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш; тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш; тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш; тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида; “электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш шулар жумласидандир.

Айни пайтда тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестициялар оқимини кўпайтириш, инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тизими жорий этилмоқда. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги [3]қарори тиббиёт соҳасида янги даврни бошлаб берди. Ушбу ҳужжат давлат ҳамда хусусий секторларнинг биргаликда ишлаши, инвесторларнинг юртимиз ҳудудида, давлат секторида фаол иш юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Эндиликда инвесторлар ўзларига қулай бўлган муҳитда, ўзлари истаган давлат тиббиёт муассасаларига инвестиция киритиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикасида тиббий таълимни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларида қуйидагиларга жуда катта эътибор қаратилган:

Биринчидан, узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тизимли тадбирларни амалга ошириш;

Иккинчидан, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услугий материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базаси фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

Учинчидан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

Тўртинчидан, таълим муассасаси ва Институт клиникаси илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

Бешинчидан, хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини ривожлантириш;

Олтинчидан, талабаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

Еттинчидан, моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва ҳоказолар [4].

Маълумки, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартларидан ҳисобланади. „Инновация“ тушунчасини изоҳлайдиган бўлсак, ушбу ибора “янгиликка оид”, “янгитдан киритилаётган” маъноларни англатади. Ҳозирги кунда барча жабҳаларда ишлатилаётган „инновацион технологиялар“ атамасини ишлаб чиқаришда ижобий сифат ва миқдор ўзгаришларига олиб келувчи, янги усуллар деб таъкидлаш мумкин.

Ўқитиш жараёнида педагогик технологиялар ўзига хос булган инновацион ёндашув ҳисобланади. Педагогик нуқтаи назардан таҳлил этганда, у ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ёрқин ифодасидир. Бошқача қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнини маълум даражада стандарт ҳолатга солиб, унинг қулай лойиҳасини тузиш билан боғлиқ бўлган тушунчадир.

Шунга асосан, таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган ҳар бир педагогнинг:

- инновацион технологияларнинг илмий-назарий, амалий-методик асосларини;
- унинг моҳият мазмунини, йўналишларини;

- жаҳон педагогика таълимотида синалган, республикада қўлланилаётган таълим-тарбия жараёнига ёндашувлар тўғрисидаги маълумотларни;

- педагогик технологияларни дидактик қонуниятлари ва қоидаларини;

- дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методларини;

- шахсга йўналтирилган ўқиш жараёнининг умумлашган педагогик технологияларини ўқитиладиган фанга мувофиқ илғор педагогик технологияларни;

- ўқув фани бўйича ўтказиладиган дарс лойиҳасини тузишнинг назарий-амалий асосларини, ўқув ва тарбия мақсадларини оидинлаштириш қонуниятларини;

- ўзлаштиришнинг маҳсулдор ва изланувчан даражаларига мўлжалланган педагогик технологиясини;

- таълим-тарбия мақсадларига эришиш йўллари (усуллари)ни билишни;

- таълим-тарбия мақсадларига эришилганликни баҳолаш технологиясини;

- уй топшириқларини мақсадли диагностик таҳлил асосида ўқувчи-ёшларни, ўқув билим қоидаларига мос белгилаш технологиясини;

- ўқув мақсадлари, топшириқлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқишни;

- ўқув вазифалари, мақсадлари асосида тест топшириқларини тузиш технологияларини чуқур ва атрофлича эгалланган бўлиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, педагогик инновациялар таълим сифати ва самарадорлиги юксалишига олиб келади [5]. Шунингдек, жамиятда рўй бераётган ҳар қандай янгиланиш жараёнлари, ислоҳотлар моҳияти билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Замонавий тиббий таълимнинг сифати ва самарадорлигини юксалтириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Мамлакатимизда истиқболли туризм турларидан қайд этилган тиббиёт туризми йўналишида кенг кўламдаги ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Ўзбекистонда биринчи марта Тиббиёт туризми уюшмаси ташкил қилинди. Барча тиббиёт муассасаларимизда электрон платформа яратилиши белгиланган. Электрон платформада республика тиббиёт муассасаларидаги замонавий хизмат турлари, белгиланган нарх-наволар, жарроҳлик амалиётлари ҳақидаги барча маълумотлар жамланади. Унга асосан, маҳаллий аҳоли манфаатларига ҳалал бермаган ҳолда, хорижий мамлакатлардан тиббиёт туризми йўналишидаги мижозлар жалб қилиниши режалаштирилди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тиббиёт олий таълим муассасаларида “Тиббиёт туризми” фани, шунингдек ҳозирги кунда ўқитилаётган “Шарқ табобати” фанини кенгайтирилган ҳолда, бутун (6 йил) ўқув йили давомида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.
2. Шифокор-бемор мулоқоти инсоният ҳаётида жуда катта ўрин тутди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, ривожланган давлатлар тиббиёти айнан шу тушунча асосида қурилган. Жумладан, Буюк Британия тиббиёт олий таълим муассасаларида шифокор маънавиятини шаклантириш ва юксалтиришга жуда катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида касбий деонтология ўқитилсада, шифокор-бемор муносабатларида ҳали ҳам зиддиятлар учраб турибди. «Бугунги қабулдан асосий мақсадингиз нима ва сиз учун қандай ёрдам беришимни ўйлаб кўрдингизми?» деган саволдан бошлаб, «Бугунги маслаҳатлар ва даво режамиз сиз учун тушунарлими? Яна қандай саволларингиз бор?» саволларининг мазмун-моҳиятини тушуниб етган шифокоргина беморга ёрдам бера олади. Демак, “Касбий деонтология” фани мавзуларини қайта кўриб чиқиб, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда, чуқурлаштирилган тарзда ўтилиши зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 декабрь ПФ-5590-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 16 апрель ПҚ-4290-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.
5. Задумкин К.А. Региональная инновационная система: теория и практика формирования/ К.А. Задумкин, И.А. Кандаков; под. рук., проф. В.А. Ильина-Вологда: Вологодский научно – координационный центр ЦЭМИ РАН, 2008 г. с 45.